

Жибутининг энг катта масжиди қурилиши ниҳоясига етмоқда



09:45 / 14.12.2018 1787

Жибутида “Абдулҳамидхон II” масжидининг қурилиши якунига етиш арафасида. Бу ҳақда қурилиш ишларини олиб бораётган Туркиянинг “Диёнат вақфи” маълум қилди.

Масжид қурилиши 2015 йилда бошланган бўлиб, бино усмонийлар меъморчилиги услубида барпо этилди. Масжидда бир вақтнинг ўзида 5 минг киши намоз ўқий олади.

Жибути Шарқий Африкада жойлашган кичик давлат бўлиб, аҳолисининг 94 фоизи мусулмонлардан иборат.

Islom.uz портали таҳририяти